

МАХАЛЛИЙ АХАМИЯТИДАГИ УМУМФОЙДАЛАНУВДАГИ АВТОМОБИЛ ЙУЛЛАРИДА
ҚИШКИ ҚАРОВ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БУЙИЧА ВАКТИНЧАЛИК
ШАРТНОМА

№ 11 Қ.Қ М/В

«28» 01 2022 йил

Термиз шаҳри.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги «Автомобил йулар тугрисида» ги ЎРҚ-117 сонли Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги Устав фондида Давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида 215 - сонли қарори асосида.

1. ШАРТНОМА БУЙИЧА ТОМОНЛАР

Буюртмачи: Сурхондарё вилоят автомобил йуллари ҳудудий бош бошқармаси Давлат ташкилоти номидан Низомга асосан иш юритувчи бошқарма бошлиги Жура Киличев.

Пудратчи: Термиз туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси (ТЙФУК) номидан Низомга асосан иш олиб боровчи директор Шавкат Шарипов.

Амалдаги қонун қоидалар асосида мазкур шартномани туздик.

2. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

Иккала томонга ҳам фойдали булган ва биргаликда иш олиб бориш учун қуйидаги мазмундаги ушбу узаро шартнома тузилди.

2.1. Термиз туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси ҳисобига ижарага берилган маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йулларда қишки қаров ишларини бажариш.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ

3.1. Шартнома баҳоси тасдиқланган қишки қаров ишларининг 1-чорак сметаси асосида ККС билан 5 000 570 (Беш миллион беш юз етмиш) сумни ташкил этади.

№	Бажариладиган ишлар тури	Бўлим		Қуйи объектлар	Мода			Жами маблаг сум ҳисобида	1-чорак		
		7	045		42	33	100		Январ	Феврал	Март
1	Қишки қаров ишлари	7	045	173	42	33	100	5 000 570	5 000 570		
	Жами							5 000 570	5 000 570		

4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йулларни қишки қаров ишлари учун тулаб берилган маблагни мақсадли ишлатилишига жавобгардир.

4.2. Маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йулларни қишки қаров ишлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқади ва буюртмачига тақдим этади.

4.3. Маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йулларининг ҳамма қисмида автомобилларнинг узлуксиз ва бехатар ҳаракатини таъминлайди, ҳафвсизлиги буйича тулик жавобгарликни уз зиммасига олади.

4.4. Маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йулда мавжуд булган йул жихозлари, йул белгилар, автобекатлар, 1-тоифа тусиклар, куприклар, қувурлар ва бошқа ёрдамчи иншоотларни тулик яроқли ҳолда сақлайди.

4.5. Йулда мавсумий қишки қаров ишларини амалга оширади.

4.6. Йулда режалаштирилган қишки қаров ишлари режасини бажарилишини таъминлайди.

4.7. Йулнинг химоя зонаси минтақасида ноқонуний объектларни қурилишига йул қўймайди.

4.8. Йулнинг ҳолатига салбий таъсир курсатувчи, давлат сертификатига эга булмаган материаллардан йул таъмирлаш ишларида фойдаланмайди.

4.9. Форс – мажор ҳоллардан ташқари ҳар қандай ҳолда йулга етказилган зарарни уз ҳисобидан тиклаб беради.

4.10. Бажарилган ишлар маълумотномасини (Ф-3 шакл) ва руйхатини (Ф-2 шакл) ҳар ойнинг 25 санасида буюртмачига тақдим этади.

4.11. Йулнинг ҳолати тугрисида доимий маълумотга эга булади ва буюртмачи истаган вақтда тулик ахборотни тақдим этади.

4.12. Давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси автомобил йуллари Давлат қумитаси томонидан жорий қилинган ҳисоботларни уз вақтида буюртмачига топширилишини таъминлайди.

4.13. Баҳорги ва кузги техник курик, манфаатдор органлар томонидан утказилган куриклар давомида ва буюртмачи томонидан автомобил йулларда аниқланган носозликларни уз вақтида бартараф этилишини таъминлайди.

4.14. Бажарилган ишларни қабул қилиш даврида буюртмачига топшириладиган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш буйича жавобгар булади.

4.15. Пудратчининг амалдаги ҳаражатлари асосида иш баҳосини аниқлаш вақтида смета ҳужжатларида назарда тутилган ҳаражатлардан кам булган ҳолларда, Башарти буюртмачи пудратчининг иқтисод қилинган маблагни бажарилган иш сифатига салбий таъсир этишини исботлай олмаса, пудратчи ишлар учун смета ҳужжатларида назарда тутилган баҳо буйича ҳақ олиш ва иқтисод қилинган маблагларни узини қурган зарарларни қоплаш учун йуналтириш ҳуқуқини сақлаб қолади.

4.16. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш хажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йул қуйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш хажмлари тегишли узгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

4.17. Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, уз имкониятларидан келиб чиқиб ишлаш усули ва машина-механизмларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш қуввати бланд ёки паст механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш хажмлари баҳосини аниқлашда Пудратчи объектнинг умумий қиймати доирасида амалдаги нарх ва механизмлар буйича расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йулларни кишки қаров ишлари учун ишлаб чиқилган смета ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлайди.

5.2. Режада белгиланган ишларни бажариш учун 40 % микдоридagi бунақни олдиндан тулайди.

5.3. Бажарилган ишларни ҳар ойнинг 25 санасигача қабул қилиб олади.

5.4. Бажарилган ишлар тулик қабул қилиб олингандан сунг тулов амалга оширади.

5.5. Йулга таълуқли миёрий ҳужжатлар, хатлар, буйруқлар ва режадаги узгаришларни уз вақтида етказилади.

5.6. Маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йулларни истикболли ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда иштирок этади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Пудратчи тасдиқланган режадаги ишларни уз вақтида бажарилишини таъминламаган тақдирда, кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 % (жами жарима микдори бажарилмаган ишлар қийматининг 50 % дан ошмаслиги лозим) микдорида жарима тулайди.

6.2. Буюртмачи тасдиқланган смета асосида бажарилган ишлар қийматини уз вақтида тулаб берилмаган қисмига, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % (жами жарима микдори бажарилмаган ишлар қийматининг 50 % дан ошмаслиги лозим) микдорида жарима тулайди.

7. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ.

7.1. Шартнома иккала томоннинг ташаббуси билан белгиланган қонун ва тартибларга тугри келадиган талаблар буйича ёки ишни давом этишга ҳожат булмаганда тақдирда бекор қилиниши мумкин.

8. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ҚУРИБ ЧИКИШ.

8.1. Ушбу шартномадаги талабларни бажарилиши давомида пайдо булган келишмовчиликлар аввало иккала томонининг узаро келишуви орқали, унда ҳам ҳал булмаса ҳужалик судлари орқали қуриб чиқилади.

9. ФОРС- МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

9.1. Форс-мажор ҳолатлари (зилзила, сел ва ҳокозо) вақтида ҳам шартномада белгиланган ишлар амал оширилади.

10. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

10.1. Шартнома 2022 йил «28» 01 дан 2022-йил 31 декабрғача амал қилади.

11. ЮРИДИК ХУЛОСА.

11.1. Юридик хулоса шартномага алоҳида илова қилинади.

Ушбу шартнома бир хил юридик қучга эга булган икки нусхада тузилди. Бир нусха буюртмачида, бир нусха пудратчида сақланади.

ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Пудратчи»

«БУЮРТМАЧИ»

Термиз туман йуллардан фойдаланиш
унитар қорхонаси

Термиз шаҳар А.Бобоҳужаев 6-уй

Миллий банк Сурхондарё филиали

МФО: 00324, ИНН: 204598846

Х/Р: 226260006042931200008

ИФУТ-42110

Тел: 76-227-30-80

Термиз ТЙФУК директори:

Сурхондарё вилояти автомобиль

йуллари ҳудудий бош бошқармаси

Манзил Термиз ш Олмазор -42 Тел. 22-1-26-35

Ш/х 304510860224017045172118001

Бюджетдан маблаг олувчи Стири 200473561

ОКОНХ 97400

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Газначилиги

Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи М Б Б Б Х К К М Тошкент

МФО 00014

Газначилик бўлимидаги СТИРи 201122919

Ш.Шарипов.

Ж.Киличев

Сурхондарё вилояти АЙХББ юридик бўлими бошлиғи:

Б.Шуқуров